

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИНГ ЎРНИ

Ядгарова Малика
*ТДИУ “Банк ҳисоби ва аудит”
кафедра катта ўқитувчиси*

Ҳозирги даврда аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш масалалари хар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу сўз заминида ўз молиясини тўғри бошқариши учун зарур билим ва қўникмалар мажмуаси бўлиб, инсонларга ўз маблағлари доирасида керакли қарор қабул қилиш имконини берадиган асосий зарурат ётади. Яъни одамлар ўз турмуш даражасини яхшилаши ва молиявий фирибгарлардан ҳимоя қилиши лозим.

Келинг, “молиявий саводхонлик” тушунчасига тўхталиб ўтамиз. Кўпгина иқтисодий адабиётлар, мақолалар ёки манбаларда “молиявий саводхонлик” тушунчасига бирмунча кенг таъриф берилган. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) “Молиявий саводхонлик - бу шахсий молиявий фаровонликка эришиш учун асосли молиявий қарорлар қабул қилиш имконини берувчи хабардорлик, билим, қўникма, қадриятлар ва хулқ-атвор каби элементларнинг мажмуи” деб таъриф берган. Мазкур тушунча молия соҳасидаги билим ва қўникмаларга эга бўлиш, у билан боғлиқ жараёнларни тўғри тушунишни англатади. Фикримизча, бу тарздаги таъриф молиявий саводхонликнинг тўлиқ мазмунини ёритиб бера олмайди. Ушбу тушунча билан боғлиқ яна бир қанча асосий жиҳатларни айтиб ўтишни лозим топдик. Демак, “молиявий саводхонлик” - аҳолининг кундалик ҳаётдаги оддий иқтисодий воқеа ва жараёнлар (масалан, озиқовқат ва уй-рўзгор буюмларини харид қилиш, турли ресурслар (электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви) ва коммунал хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш, хусусий ёки давлат секторида меҳнатда банд бўлиш, иш ҳақи ёки нафақа олиш ва х.к.)дан тортиб нисбатан мураккаб жараёнлар (масалан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш, қимматли қофозлар сотиб олиш ва бошқалар)да иштирок этишигача бўлган жиҳатларни қамраб олишини билиб олдик.

Умуман олганда, “молиявий саводхонлик” Ўзбекистон шароитида жуда долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатда аҳоли молиявий саводхонлиги даражасининг юқори бўлиши молиявий хизматлар соҳасининг ҳам жадал ривожланишига сабаб бўлади. Молиявий хизматларни оммалаштириш орқали аҳолининг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш ва кичик бизнес субъектларининг бундай хизматларга бўлган талабини ошириш имкони пайдо бўлади.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш керак - молиявий саводхонликнинг асосида инсон туради, зеро мазкур жараённи амалга оширишдан асосий мақсад ҳам унинг фаровонлиги ва ҳаёт сифатини ошириш ҳисобланади. Бироқ, бунинг учун у ўз ихтиёридаги иқтисодий ресурслардан, рўй бериши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисалар, вужудга келиши мумкин бўлган шарт-шароитлардан ўзи ҳамда жамият учун манфаатли ва самарали асосда фоидаланиш борасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, жамиятда таркиб топган қадриятлар тизими ҳам ушбу мақсадлар билан ўзаро мувофиқ келиши зарур. Энг муҳими, ҳар бир шахс қайд этиб ўтилган восита ва дастаклардан фойдаланган ҳолда қисқа муддатли қарорлар қабул қилиш ҳамда узоқ муддатли молиявий режалаштириш жараёнини тўғри ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Айтиб ўтиш жоизки, халқимизда айнан молиявий саводхонликни етарли эмаслиги “Авто 60 ой” “Ахмадбой воқеаси”, “Туяқуш воқеаси” каби фирибгарларни пайдо бўлишига йўл очиб беради. Ахолимизнинг молиявий саводсизлиги факатгина шахсий фаровонликга эмас, балки бутун иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади. Саводсизлик молиявий пирамидалар ва фирибгарликларни ортишига, кам таъминланган, ўзи зўрга кун кўраётганларни янайм қашшоқлашишига олиб келади.

Хозирда аҳолининг камбағал қисмини камайтириш, уларни боқимандалик кайфиятидан чиқариш қўп мамлакатлар олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожи учун аҳолининг молиявий жиҳатдан қай даражада таъминланганлик масаласи иқтисодчиларнинг асосий таҳлил манбаси ҳисобланади. Улар аҳолининг бундай қатламини қўллаб-куватлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб таҳлил қиласи ва амалиёт учун ўз тавсиясини бериб боради.

Ҳар бир давлатнинг камбағалликни қисқартиришда ўзига хос ёндашуви мавжуд бўлиб, мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси, аҳолининг дунёқараси, қадрият ва урф-одатлари, географик жойлашуви турлича бўлганлиги сабабли бир давлатда қўлланилган механизмдан айнан нусха кўчириш ва бошқа давлатда қўллаш ўз самарасини бермаслиги мумкин. Масалан, иқтисодий ривожланган давлатлар аҳолининг ёрдамга муҳтоҷ қатламини асосан тўғридан-тўғри пул маблағлари орқали қўллаб-куватласа, ривожланаётган мамлакатларда асосий эътибор аҳолини зарур кўникма ва малакага ўргатиш, бошланғич капитал билан таъминлаш билан уларнинг даромад топиш имкониятини ошириш ва тадбиркорлик билан шуғуланишга шароит яратишга қаратилади.

Жумладан, Хитойда аҳолини камбағалликдан олиб чиқиш ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига амалга оширилган. Бунда асосий эътибор давлат ерларини оилаларга бўлиб бериш ва ер муносабатларига бозор тамойилларини жорий этишга қаратилган. Натижада Хитой

охирги 30 йилда 600 миллионга яқин аҳолисини камбағалликдан чиқаришга муваффақ бўлганлигини кўриш мумкин [4].

Бангладешда ташкил этилган « Grameen Bank » камбағаллиги туфайли анъанавий молиявий хизматлардан фойдалана олмаётган камбағаллар қатламининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳар томонлама яхшилашга хизмат қиласди. Грамеен банк асосчиси Мухаммад Юнус дастлаб қишлоқнинг фермерларига атиги 27 \$ миқдорида микроқарз ажратади. У фақатгина кредит ажратиб қолмайди, балки қишлоқ аҳолисини дастлабки молиявий саводхонликга ўргата бошлайди. Кейинчалик мамлакат бўйлаб қўплаб банк филиаллари очилиб 2006 йилда улар сони 2 мингдан ортади. 2005 йилга келиб ажратилган кредитлар миқдори 4,7 миллиард доллар, 2008 йилда эса — 7,6 миллиард долларни ташкил этди. Кейинчали бундай банклар 40 дан ортиқ давлатларда очилиши кузатилади. Grameen Bank ва унинг асосчиси Мухаммад Юнус 2006 йилда Нобел мукофоти совриндори бўлади [5].

Банк кредитлари 4-5 кишилик жамоадан ташкил топган гурухларни шакллантириш ҳамда уларга бир ҳафталик молиявий тренинглар ўтказиш орқали дастлаб кам миқдорда ажратилган. Бунда жамоанинг барча аъзолари олдинги кредитни ўз вақтида қайтарган тақдирдагина уларга кейинги босқичда кўпроқ миқдорда кредит берилган. Натижада банкнинг имтиёзли микрокредит дастурида иштирок этганларнинг 5 фоизи ҳар йили ўз оилаларини камбағалликдан олиб чиқиш имкониятига эга бўлган.

Ҳиндистон ва Индонезия давлатлари, биринчи навбатда, қишлоқ жойларни ривожлантириш, жумладан, инфратузилмани яхшилаш орқали мактаб, боғча ва тиббий муассасалардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, молиявий дастаклар орқали аҳолининг молиявий жиҳатдан кам таъминланган қатлами вакиллари, хусусан, ёшлар ва аёлларга даромад олишнинг янги усулларини тақдим этиш туфайли миллионлаб кишиларни камбағалликдан чиқара олган.

Ўзбекистон аҳолининг эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтоҷ қатламларига молиявий кўмак бериш тизимининг яратилиши ва ривожланиш шажараси халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ҳамда мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда аҳолининг эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтоҷ қатламларига молиявий кўмак бериш, касбга тайёрлаш ҳамда тадбиркорликка жалб қилиш каби кенг қамровли чора-тадбирлар орқали уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Яқин ўтмишда мамлакатда биринчи марта камбағаллик мавжудлигининг тан олинганилиги, мазкур тоифадаги аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш турмуш шароитларини яхшилаш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бунда аҳолининг камбағал қатлами бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар мамлакатнинг ҳар бир вилояти, тумани, қишлоқ ҳамда маҳалласининг ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Жумладан 2023 йилда оиласиий тадбиркорликни ривожлантириш

учун банклар томонидан 13 трлн.сўм миқдорида кредит ажратилди [6]. Жорий 2024 йилда мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини, молиявий саводхонлигини ошириш бўйича давлатимиз томонидан бир қанча ишлар режалаштирилган бўлиб, қўйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- 2024 йил 1 январдан бошлаб микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 млн сўмдан 100 млн сўмгача оширилди;
- 2024 йил 1 январдан бошлаб рақамли хукумат тизими ҳамда унинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тақдим этадиган имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берувчи маҳсус портал ишга туширилди;
- Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг, кейинчалик эса, босқичма-босқич республиканинг барча худудларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун кредитлар 10 фоиз ставкада ажратилиши таъминланмоқда;
- Махаллалардаги хонадонларнинг ер участкаларидан фойдаланиш даражасини, оиласарнинг даромад манбаларини, даромадли меҳнат билан шуғулланишга бўлган қизиқиш йўналишларини ўрганиш орқали уларни тадбиркорликка жалб қилишни назарда тутувчи ишлаш тизими жорий этилди.

Шу билан бирга махалла марказларида аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тренинглар, курслар ташкил этиш, курсда ўқувчиларга банк хизматларидан депозит, кредит операциялари, маркетинг, сугурта хизматлари бўйича билимларни ўргатиш, уларни боқимандилиқдан чиқиб шахсий, доимий даромадга эга бўлиш имкониятларини бирга излаш, ўз имкониятларидан тўғри фойдаланган холда молиявий мустақилликга эришиш йўларини топиш лозим.

Мамлакатимиз ҳудудларда аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, ҳар бир маҳалланинг «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш, бандликка қўмаклашиш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам қўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали ҳар бир оиласнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида яратилган «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури самарали ишлашидан нафақат давлатимиз учун, балки ҳар бир фуқаро манфаатли эканлигини англашимиз лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Анастасия Тараскова «Ўзим учун молиячиман. Қандай қилиб оқилона сарфлаш ва тўғри тежаси керак», 2023 й.
2. Владимир Авденин «Азбука финансовой грамотности» 2021г.
3. Владимир Савенок «Как составить личный финансовый план» 2021 г.
4. <https://we.hse.ru/irs/news/457471289.html>
5. The Nobel Peace Prize for 2006
6. cbu.uz